КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

# ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК!

## ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ, «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИ ДАВРА СУҲБАТИ

«ПАРТИЯ мамлакатнинг фан-техника потенциалини тағин ҳам ўстириб бориш ва самарали ишлатишга, экономикани интенсивлашда катта революцион ўзгаришлар қилиш учун янги-янги имкониятлар очиб берувчи илмий-тадқиқотларни авж олдиришга бутун чоралар билан кўмаклашади. Ҳамма ерда ишлаб чиқаришга, бошқарувга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва турмушга фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этишни таъминлаш лозим бўлади. Фан батамом бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланади».

КПССНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ПРОГРАММАСИДАН.



Суратда: давра суҳбати пайти.

### Шахсий ва ижодий план



**— КАСАБА союз ташкилотларининг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича ишларида инженер-техник ходимларнинг шахсий ижодий план бўйича мусобақасини пухта ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқдамиз, — деди электр станциялари ва электротехника саноати ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси К. М. МАҚСУДХОНОВ.**

— Ҳозирги вақтда корхоналаримизда шахсий ижодий план бўйича мусобақада инженер-техник ходимларнинг ярмидан кўпроғи — 3 мингга яқин киши қатнашмоқда. Бу муносабат анча юқори бўлган корхоналарни ҳам мисолга келтириш мумкин. Масалан, Тошкент ГРЭСидаги фан-техника жамиятининг 180 аъзосидан 170 кишининг шахсий ижодий плани бор. Улар ўтган йили 64 та фан-техника тадбирини амалга оширдилар. Бу салкам 200 минг сўмлик атрофида иқтисодий самара берди. «Средазэлектроаппарат» бирлашмасида шахсий ижодий план бўйича янги техникага оид 607 тадбир жорий этилди. Умуман шахсий ижодий планда назарда тутилган янги техника бўйича тадбирларни жорий этиш ўтган йили тармоқда 2 миллион сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара олиш, 107 кишини бошқа ишларга ўтказиш имконини берди.

Тармоқ касаба союзи область комитети ва касаба союз комитетлари ВОИР ҳамда фан-техника жамиятлари бошланғич ташкилотлари ҳамда советларининг ишини активлаштириш фан-техника тараққиётини тезлаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олмоқда. Шу мақсадда ВОИР совети билан биргаликда фойдаланилмаган ихтиролар ва рационализаторлик таклифларининг инвентаризацияси ўтказилди. У ўтган йили турли сабаблар билан тармоқда 300 дан ортиқ рационализаторлик таклифини жорий қилиш кечикканлигини кўрсатди.

Тармоқнинг энг йирик корхоналаридан бири Чирчиқ трансформатор заводида рационализаторлик иши қониқарсиз аҳволдадир. 1985 йилда бундай таклифларни жорий қилиш плани учдан бир қисмдан сал кўпроқ қилиб бажарилди. «Узбекгидроэнергострой» тресты, «Ташэлектросеть» ва бошқа корхоналарда ихтирочилик ва рационализаторлик иши суст олиб борилмоқда.

### Жорий этиш учун база керак



**— КПСС XXVII съезди қарорлари, ишни қайта қуриш лозимлиги бизнинг коллективда рационализаторлик ишини юксак талаблар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимизни тақозо этди, — деди Тошкентдаги 2-уйсозлик комбинатининг 2-йирик панелли уйсозлик заводи слесари С. Г. МАХРОВ.**

— Заводимизда ўтган йили 130 рационализаторлик таклифи тушди. Уларнинг 63 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу планда назарда тутилганидан 2,5 баравар кўпдир. Уларни жорий этишдан олинган иқтисодий самара эса 49 минг сўмни ташкил этди. Бу пландагига нисбатан 47 процентдир.

Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, самарали янгиликларни жорий қилиш учун тузилган янги техника групаси кам сонли бўлиб, ўзининг ишлаб чиқариш базасига эга эмас. У ҳатто фақатгина мураккаб таклифларни жорий қилишга ҳам қодир эмас.

Корхонамизда ўн иккинчи беш йилликда арматура ва бошқа ишлаб чиқаришларни механизациялаш ҳамда автоматлаштириш комплекс программасини амалга ошириш назарда тутилмоқда. Бироқ, уни фақат жорий этиш базасини яратиш билангина амалга ошириш мумкин. Завод раҳбарлиги ва касаба союз комитети ҳамда рационализаторларнинг куч-ғайратлари шунга сафарбар этилиши лозим. Бунда инженер-техник ходимларнинг шахсий план бўйича мусобақаси ҳам бизга катта ёрдам берган бўлур эди.

### Истиқболли ёқилғи муаммолари



**—БИЗНИНГ автоколоннамизда 1984 йилнинг охирларидан бошлаб бензин билан юрадиган ЗИЛ-130 автомобилларини суюлтирилган газ асосида ишлашга мослашга киришилган эди. Ҳозирги вақтда 176 та автомашина шундай прогрессив ёқилғи билан ишлаяпти, — деди 2502-автоколонна ҳайдовчилар бригадири М. М. РАҲИМОВ.**

Автомобиллар учун яратилган газ асбоб-ускуналари такомиллашмаган. Улар тез ишдан чиқиб туради. Улар учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар йўқ. Кўпгина деталларни ремонт устахоналарида ўзимиз қайта тиклаш ва ясашга мажбур бўлмоқдамиз. Бу истиқболли ва муҳим ишга зарар етказмоқда, холос.

Ҳозирги вақтда Тошкент атрофидаги районларда ва шаҳарнинг ўзида қисилган газ асосида ишлайдиган автомобиллар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Улар учун эса фақатгина 2 та газ тўлдиргич станциялари хизмат кўрсатмоқда. Бунинг оқибатида узоқ вақт, ҳатто икки соатлаб ва ундан ҳам кўпроқ вақт давомида навбат кутиб туришга тўғри келяпти. Бунинг устига автомобиллар заправка қилинаётган газ сифати жуда паст, натижада газ аппаратураси тез-тез бузилади. Янги газ тўлдиргич станциялари қуриш ва газни сифатлироқ тозалашни таъминлаш лозим.

Бу муаммоларни ҳал қилиш автотранспортни газга ўтказишни жадаллаштириш, унинг иши самарадорлигини оширишга ёрдам берган бўлар эди.

### Реконструкция шарофати



**— ҲАР бир ходимнинг меҳнатини янада унумли, ижодий, жозибали қилиш — коллективимиз ўн иккинчи беш йилликда ўз олдига қўйган асосий вазифа шундан иборатдир, — ҳикоя қилади «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Р. М. ҒУЛОМОВ.**

— Бирлашмада ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта ускуналаш билан реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Эски асбоб-ускуналар анча унумли ва техникавий имкониятлари кўпроқ бўлган машина-механизмлар билан алмаштириляпти.

Шу йилнинг охирига бориб янги икки қаватли бўяш-оҳорлаш корпуси фойдаланишга топширилади. У Кострома заводида яратилган янги юксак унумли машиналар билан тўла ускуналанади. Бу асбоб-ускуналар технология жараёнини юксак даражада маданий олиб бориши билан ажралиб туради. Иш муҳити атрофдан тўла муҳофаза қилинади, яъни цехда зарарли буғланишлар бўлмайди, ҳавонинг намлиги норма атрофида бўлади. Натижада меҳнат унумдорлиги уч баравар ошади ва сув сарфи 5—6 баравар қисқаради.

Бундай техника бошқа технологик жараёнлар учун ҳам зарурдир. Ҳозирги вақтда корхонадаги энергия таъминоти, ҳавони тозалаш ва совутиш системасининг техник шароитлари талабларга тўла жавоб бермайди. Реконструкция тугаллангач, бу муаммолар ҳал бўлади.

**Савол: Бу ишлар маҳсулотингиз сифатига қандай таъсир кўрсатади?**

— Сифат кескин яхшиланади. Ҳозирги вақтда у энг асосий вазифалардан биридир. Реконструкция ва техник қайта ускуналаш беш йиллик охирига бориб меҳнатнинг механизация даражасини 80 процентга етказиш имконини беради.

### Илмий-техника жамияти совети ҳисоб беради



**— КОРХОНАМИЗДАГИ илмий-техника жамиятининг бошланғич ташкилоти прогрессив техникани ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда шу асосда меҳнат унумдорлиги ва сифатини оширишда катта роль ўйнамоқда, — деб таъкидлади Тошкент авиация бирлашмаси илмий-техника жамияти совети раисининг ўринбосари, янги техника бўлими бошлиғи И. А. БЕКБЎЛАТОВ.**

Унинг составида ижодий фикр юритадиган инженерлар ва ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда новаторлари бор. Улар илмий-техника жамиятининг 24 та тармоқ секциясига бирлашганлар. Бу секциялар ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини ривожлантириш билан шуғулланади.

Секциялар ўртасидаги мусобақада техника фанлари бўлими бошлиғи А. Л. Вишневский, совуқ штамплаш бўлими бошлиғи А. С. Купаев, программ бошқариладиган бўлим бошлиғи В. А. Вайсбург, бош конструктор бўлими бошлиғи И. А. Половников, тайёрлаш цехи бошлиғи Н. А. Ягуфаров ва бошқалар раҳбарлик қилаётган секциялар яхши натижаларга эришмоқдалар.

Тайёрлаш цехининг илмий-техника жамияти аъзолари шайбаларни тайёрлаш бўйича учта робототехника комплексидан иборат роботлаштирилган участкани жорий этдилар. «Жигули» автомобиллари учун эҳтиёт қисмлар тайёрланадиган участкада кўп плунжерли пресс жорий этилди. 135 номдаги деталларни автоматлаштириш йўли билан тайёрлаш жараёни ўзлаштирилди. Шу йилнинг биринчи кварталида 760 минг сўмлик иқтисодий самара келтирувчи 124 та тадбир жорий этилди.

Албатта, илмий-техника жамияти совети ва унинг бошланғич ташкилотлари ишида кўпгина камчиликлар ва нуқсонлар ҳали ҳам бор. Совет улар бартараф этилаётганлиги тўғрисида касаба союз комитетига мунтазам ҳисобот бериб турипти.

### Аттестация асосида



**— «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» бирлашмасида иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ва рационализация қилиш бўйича тўпланган тажриба аттестация техник қайта ускуналашнинг ҳақиқий ишқори эканлигини кўрсатиб турипти, — суҳбатга қўшилди бирлашма касаба союз комитетининг раиси Ф. С. УБАЙДУЛЛАЕВ.**

— Бизда иш ўринларини аттестация қилиш бир неча йилдан бери олиб борилмоқда. Биринчи тажрибаёқ аттестациянинг цех хизматлари даражасида амалга оширилиш кам самара беришини кўрсатди. Участкаларни планировкалаш, уларни механизациялаш, қайта ускуналаш, асбоб — ускуналарни алмаштириш, бирлашма хизматларининг иштироки билан комплекс ҳал қилиниши лозим эди. Иш жойларини аттестация қилиш бўйича аттестация комиссияси тузилди. Унинг составига бош мутахассислар, партия ва касаба союз активи вакиллари киритилди.

Ўн биринчи беш йилликда бош корхонада 5666 иш ўрни аттестация қилинди, бундан 1 миллион 289 минг сўмлик иқтисодий самара олинди, иш ўринлари 1136 тага қисқарди, керак бўлмай қолган 1 миллион 172 минг сўмлик асбоб-ускуна реализация қилинди.

Бирлашма касаба союз комитети ВОИР, НТО советлари ва доимий ишлаб чиқариш кенгашлари раҳбарларининг аттестация масалалари бўйича ҳисоботларини мунтазам эшитиб туради.

### Автоматлаштиришнинг ўзгарувчан воситалари



**— БУГУН фан-техника тараққиёти ўзгарувчан автоматлаштириш воситаларини жорий қилиш билан узвий боғлангандир, — дейди Тошкент рақамли программ бошқариладиган металлга ишлов берувчи асбоб-ускуналарга техника хизмат кўрсатувчи марказ бошлиғи И. Н. БУБЛИК.**

— Электрон-ҳисоблаш машиналари, рақамли программ бошқариладиган станоклар, автоматлашган лойиҳалаш системалари, робототехника комплекслари, автоматлашган складлар ва бошқалар шундай воситалардан ҳисобланади. Яқин ўн йилликда уларни жорий қилишга ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўтариш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда энг кўп таъсир кўрсатадиган омил сифатида қаралмоқда.

Корхоналар томонидан тайёргарлик босқичининг, айниқса, ўзгарувчан автоматлаштириш воситаларини тайёрлаш ва жорий қилиш бўйича комплекс тадбирларни амалга оширишга етарли баҳо берилмаганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Уларнинг кўпчилиги янгиликни жорий қилиш давомида уни қўлланиш учун кетадиган вақтни тўғри баҳолай олмасликдан, бундай асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш учун мутахассислар тайёрлашнинг мураккаблигидан ҳайиқмоқдалар.

Ўзгарувчан автоматлаштириш воситаларини жорий қилишда бу ишни амалга оширишнинг тайёргарлик тадбирларига етарли эътибор бермаслик муваффақиятсиз тугайди, янги асбоб-ускуналарнинг имкониятлари эса кўп ҳолларда тўла фойдаланилмайди.

Бундай камчиликларнинг олдини олиш учун аввалдан техника воситаларини жорий қилишдан олдин тайёргарлик тадбирларини амалга оширишга эътиборни кучайтириш керак.

### Чиқитсиз технология нима?



**— ИШЛАБ чиқариш чиқитларидан фойдаланиш, чиқитсиз технологияни жорий этиш фан-техника тараққиётининг муҳим муаммосидир, — Тошкент политехника институти сиртқи умумтехника факультети декани, Д. И. Менделеев номидаги Бутуниттифоқ химия жамияти область правлениесининг аъзоси Т. А. ОТАҚЎЗИЕВ давра суҳбати қатнашчиларининг эътиборини шунга қаратди.**

— Ўзбекистонда ҳар йили 7,5 миллион тоннадан кўпроқ ҳисобга олинган саноат чиқитлари йиғилади, кон устини очиш вақтида 60 миллион тоннадан кўпроқ жинслар тўпланади. Отвалларда деярли 35 миллион тонна фосфогипс, 34 миллион тоннадан ортиқ каолин, 8 миллион тонна металлургия шлаклари, ёқилғи билан ишловчи электр станцияларнинг 6 миллион тоннадан кўпроқ кули ва кул-шлак чиқитлари йиғилиб қолмоқда. Ангрен ГРЭСининг отваллари 60 гектар фойдали майдонни эгаллаб ётипти. Олмалиқ химия заводининг фосфогипс запаслари эгаллаган майдон 150 гектардир. Ангрен кўмир кони отвалларининг умумий майдони эса минг гектардан ошиқроқдир.

Тошкент политехника институти ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий кучларни иккиламчи ресурслардан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишга тўплашга қарор қилдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми Химия институти ҳузурида «Иккиламчи ресурслар» илмий-ишлаб чиқариш марказини яратишга қарор қилди. Институтда бундай марказни ташкил этиш учун база бор.

Фосфогипсни утиллаштириш биринчи навбатдаги вазифалардандир. Олмалиқ химия заводида чиқитга чиқарилаётган фосфогипс ҳар йили 3 миллион тоннага етмоқда. Бу заводда отвалларни — шлам йиғиладиган жойлар ва транспорт коммуникацияларини яратиш билан боғлиқ бўлган капитал маблағлар сарфи 15 миллион сўмликдан ошиб кетди. Фосфогипсни ташиш ва жойлаштириш бўйича эксплуатация харажатлари ҳар бир тонна чиқит ҳисобига бир сўмни ташкил этмоқда.

Нисбатан паст ҳароратларда фосфогипсдан сульфоминераллашган цемент олишнинг иссиқлик ва энергия тежайдиган технологияси ҳам ишлаб чиқилди. Бу жараён 1200—1300 даража ҳароратда давом этади. Бу технология ҳам Тошкент политехника институти томонидан таклиф қилинди.

Уни қўлланиш билан Ангрен, Оҳангарон ва Бекобод цемент корхоналарида, Олмалиқ химия заводида чиқинди сифатида олинаётган барча фосфогипс қайта ишланиши мумкин. Ана шу технологияларни тезроқ жорий қилиш керак.

### Манфаатли иштирок бўлсин



**— КПСС XXVII съезди томонидан қўйилган вазифаларни ҳал қилишда илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштирувчилар сифатида тармоқ ва республикалар академияларининг роли ҳам шунга мувофиқ ошади, — деди Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, ўсимликлар экспериментал биологияси институти директори А. А. АБДУЛЛАЕВ.**

— Институтимизнинг асосий тадқиқотлари пахтанинг яхши тола берувчи кўп ҳосилли навларини яратишга қаратилгандир. Айрим ютуқларга қарамай шуни тан олиш керакки, тадқиқотларнинг барча йўналишлари бўйича биз ҳали жаҳон даражасига етганимизча йўқ. Институт замонавий приборлар, асбоб-ускуналар, химия реактивлари билан етарлича таъминланмаган, уларсиз эса илмий тадқиқотлар даражасини ошириш мумкин эмас.

Республикада ҳозирги замон пахтачилиги муаммоларини ҳал қилиш билан бир қанча институт шуғулланмоқда, лекин пахтанинг зарур нави ҳамон яратилгани йўқ. Ишлаб чиқариш тажрибаларининг тарқоқлиги синовлар устидан назорат олиб боришни қийинлаштирмоқда ва синовлар сифатининг пасайишига олиб келмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, хўжаликлар пахта навини танлашда тўқимачилик саноати талабларига амал қилмасдан, ўзларига қайси бири маъқул бўлса, ўшани экадилар. Улар фақат ялпи ҳосил бўйича планни бажарсалар бўлди.

Уруғчилик ишлари лозим даражада ташкил этилмаган. Селекция ишларининг натижалари ва ютуқлари биринчи навбатда материалнинг генетик софлиги ва бир хиллигига боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида генетик қонунларни малакали қўлланиш, элита хўжаликларида уруғчилик ишларни тўғри йўлга қўйишга боғлиқдир. Институтимиз коллективи ана шу муаммоларни ҳал қилишга эътиборни кучайтирмоқда. Бироқ, муаммоларни амалий ҳал қилиш, пахта етиштириш ва тола олиш бунинг учун машиналар ва техника ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ҳамманинг манфаатли муносабатда бўлишига боғлиқдир.

### Жалб қила билиш маҳорати



**— ФАН-техника тараққиётини жадаллаштиришда студентларни олий ўқув юртлари шароитларида ихтирочиликка жалб қилиш тобора катта роль ўйнайди, — суҳбатга қўшилди республикада хизмат кўрсатган ихтирочи, профессор, химия фанлари доктори, Тошкент Давлат медицина институти биоорганик химия курслари мудири А. Ғ. МАҚСУМОВ.**

Ҳозир олий мактаб олдида янгидан пайдо бўлаётган фан-техника муаммоларида мустақил изланиш олиб боришга ва уларни ҳал қилишга ижодий муносабатда бўлишга лаёқатли мутахассислар тайёрлаш вазифаси турипти. Тошкент Давлат медицина институтининг биоорганик химия кафедрасида иш худди шундай йўлга қўйилган. Бу ерда 1972 йилдан бошлаб студентларнинг илмий тўгараги мунтазам, самарали, ижодий ишламоқда.

Илмий тўгаракда шуғулланиш иштиёқини билдирган студентларга жой, аппаратуралар берилади. Улар аввалига кафедрамизнинг илмий кутубхонасида бўлган Ватанимиз ва чет эл адабиётлари билан танишадилар. Сўнгра ўқитувчилар раҳбарлигида янги бирикмаларни синтез қилишга киришадилар. Тўгараклар раҳбарлари студентларни синтезнинг нозик томонлари билан, синтез қилинаётган бирикмаларни тозалаш методикаси билан таништирадилар. Кафедрамизда ўқув жараёни илмий тадқиқот, ихтирочилик ишлари бўлажак мутахассислар у ёки бу муаммони мустақил ҳал қила оладиган, улар бу муаммоларга ижодий ёндашадиган, олдиларида турган вазифаларни ҳал қилишнинг янги йўлларини излайдиган бўлишларига қаратилган.

Юқори синф ўқувчиларини мактабданоқ ихтирочилик ва патент юритиш масалалари билан таништиришни истар эдик. Зеро, улар орасида лаёқатли, талантли ўқувчилар бор. Улар конструкторлик, ихтирочилик ишлари билан мустақил шуғулланадилар, уларга фақат ёрдам бериш керак, уларни тўғри йўлга солиш лозим. Бу ўқув ва илмий адабиёт билан мустақил ишлаш, мантиқан фикрлашни ўрганиш қобилиятларини ривожлантиради.

## ДАВРА СУҲБАТИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР

**◆ ЯНГИЛИКЛАРНИ ишлаб чиқиш ва жорий этиш муддатларини қисқартирганликлари учун конструкторлар ва технологларга мукофотнинг 50 процентини тўлаш, қолган 50 процентини эса тегишли комиссияларнинг ишни ижобий баҳолаганларидан кейин бериш керак.**

**◆ Иш жойларини аттестация қилиш ва рационаллаштиришни тезлаштириш учун ҳамма жойда шунга мувофиқ кадрлар ўқувини, айниқса, маҳаллий, тўқимачилик, нефть ва газ саноати, машинасозлик, приборсозлик, агросаноат корхоналарида тажриба алмашиш бўйича бир галлик семинарлар шаклида ташкил этмасдан, ўқувни тармоқлар бўйича мунтазам олиб бориш керак.**

**◆ Областда тартиб-интизом кунини ўтказишни ташкил этиш лозим. Бундай кунларда мавжуд резервларни аниқлаш ва бир вақтнинг ўзида смена ичидаги ва тўла смена тўхтаб қолишларини, иш вақтини бошқача йўқотишларини бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш лозим.**

**◆ «Рационализаторлик таклифи» тушунчаси маъносини кенгайтириш, унга ечимнинг фақат техник характерини киритибгина қолмай, шу билан бирга меҳнат усуллари ва услубларини такомиллаштиришда, иш жойларига хизмат кўрсатишга ва бошқа шу каби муаммоларга қаратилган ташкилий характердаги ечимларни ҳам киритиш лозим. Ҳар гал таклиф авторини қайд этиш, иқтисодий самарани ҳисоблаб чиқиш ва таклиф амалга оширилгандан кейин мукофот тўлаш лозим.**

**◆ Социалистик мусобақа натижаларини якунлашда қўл ва оғир жисмоний меҳнат сарфини камайтириш бўйича топшириқларнинг бажарилишини муҳим кўрсаткичлар қаторида ҳисобга олиш керак. Бу фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ёрдам беради. Область касаба союзлари Совети ва ВОИР область Совети ҳар йили қўл кучи ва оғир жисмоний меҳнат сарфини камайтиришга ёрдам берувчи энг яхши ечимлар учун конкурслар ўтказиб турсин.**

**◆ Корхоналар, ВОИР область Совети, статистика органлари раҳбарларининг фан-техника тараққиёти самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигига нисбатан масъулияти оширилсин.**

**◆ Кўпгина новаторлар рағбатлантириш шартлари, кўрик-конкурсларнинг бориши, таклифларни расмийлаштириш қоидалари билан таниш эмаслар. Бу ижодкорликни ривожлантиришга ҳалақит бермоқда. ВОИР область Совети ана шу масалалар юзасидан методик тавсиялар чиқарсин.**

Саҳифа материалларини «Тошкент ҳақиқати» мухбири **Ҳ. ОЛИМЖОНОВ**, «Ташкентская правда» мухбири **В. ЛОМОВЦЕВ**, область касаба союзлари Совети бўлим мудири **В. ШАБАНОВ**, «Ташкентская правда»нинг фотомухбири **А. МАЛЬЦЕВ**лар тайёрлашди.

